

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 126-ҳадис

126 - الحَامِسُ: عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَحْقِرُنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا وَلَوْ أَنْ تَلْقَى أَخَاكَ بِوَجْهٍ طَلِيقٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

126. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Хеч бир яхшиликни кичик санама, ҳатто биродарингни очиқ чехра билан кутуб олишни ҳам».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Одамларга очиқ юз ва хушхулқ билан юзланиш Аллоҳ таоло ҳузурида маҳбуб иш бўлиб, бунга ҳам ажр берилади.

Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки кишини бир-бири билан мамнун ҳолда кўришишини яхшилик деб баҳоламоқдалар. Шу билан бирга, ҳеч қайси яхшиликни арзимас, деб билмасликни уқтироқдалар

Жилмайиш, охиста кулиш табассум бўлиб, мана шу мўминнинг сифатидандир.

Табассум ибодат ҳисобланади. Айни пайтда табассумнинг 19 тури аниқланган. Улар икки гурухга: “ижтимоий” ва “асл” табассумга бўлинади. Асл табассум чин юракдан табассум қилишга айтилади. Ижтимоий табассумни бошқачарок, “хушмуомалалик учун табассум қилиш” деб атасак ҳам бўлади. Бу юздаги 5 мускулни ҳаракатга келтиради. Умуман, киши табассум қилганда юздаги 17 мускул ҳаракатга келади.

Табассум инсон юзи учун ажойиб бадан тарбия ҳисобланади. У инсон жисми ва ақлига фойда беради, қон босимининг ошиши ва юрак хасталикларининг олдини олади ҳамда инсонда ўзига бўлган ишончни шакллантиради.

Табассум юз мускуларининг ҳолати билан ҳамоҳанг тарзда ишлайдиган мия фаолиятининг ижобий ҳолатини кучайтириши билан бирга, атрофдагиларнинг руҳиятига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Масалан, сизга қараб самимий жилмайиб турган одамга нисбатан сиз ҳам табассум билан мулоқотга киришиб кетганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Ёки чин юракдан берилиб кулаётган кишини кўрган одам, гарчи гап нима ҳақида кетаётганини билмаса-да, унга қўшилиб кулиб кўяди. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам атрофдагиларга доимо табассум билан қаарар эдилар. У зот саллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилганларида муборак нурли тишлари кўринар эди.

“Фамларнинг қўплиги қовоқ солиш учун мантиқий сабаб эмас. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам инсонлар орасида ғами энг кўп киши бўлишларига қарамай, инсонларнинг сертабассуми эдилар”.

Шундай экан, ҳар тонг уйқудан уйғонганингизда, ҳар бир қийинчилик тўсиқларидан ўтаётган пайтингизда доим самимий табассум қилинг. Сизнинг табассумингиз учун доимо етарли сабаб ва асос топилади.

Манба: hadis.islom.uz

